

Инсон умрини имкон қадар узайтириш, иложи топилса, мангу ҳаётга эришиш орзуси башариятни ҳеч қачон тарқ этмаган. Бирок кизиги шундаки, бу борадаги ҳар бир омадли тажриба, жиндек муваффақият ҳам ҳаммадан сир тутилган. Холбуки, мангу ҳаётга интилиш жараёнида инсон умрини муайян даражада узайтирувчи воситаларни топа олган одамлар ҳам бўлган. Тарихий манбаларда бу ҳақда узук-юлук ва унчалик ишонарли бўлмаган маълумотлар учрайди.

Шунга қарамай, ақл бовар қилмас даражада узок яшаган одамларнинг номи тарихда сақланиб қолган. Бу бежиз эмас, албатта. Демак, узок умр кўришга қандайдир асос бўлган.

1278 йил вафот этган епископ Аллен де Лисл табобат билан шугулланган, тарихий солномаларда унинг номи «жамики дардларга шифо бахш этувчи ҳақим» дея улугланган. Айрим манбаларда қайд этилишича, рухоний умрни узайтирувчи дорини кашф этган экан. У қариб қолганида ана шу малҳам ёрдамида қайтадан яшариб, яна 60 йил умр кўрган эмиш.

Яна бир бошқа тарихий шахс, қадимги Хитойда дао фалсафасига асос қолган, 34-156 йилларда яшаб ўтган Чжан Даолин ҳам ҳаётини қарийб шу муддатга узайтира олган. У узок йиллар мобайнида кунт ва тиришқоқлик билан узланишлар олиб бориб, умрни узайтирадиган мўъжизавий дорини яратишга муваффақ бўлган. Хуллас, тарихий манбаларга ишонадиган бўлсак, файласуф 60 ёшида қайтадан яшариб, 122 йил умр кўрган экан.

Тўғриси, қадимги хитой манбаларида узок умр кўрган зохидлар ва авлиёлар ҳақидаги маълумотлар жуда кўп учрайди. «Чжуан-цзи» риосласида қайд этилишича, дао таълимотининг ҳаётни узайтириш бўйича ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, бу қоидаларга амал қилган Пэн-Цзу нақ 800 йил яшаган. Гуан Чэнцзи деган одам эса, ўзини ҳаяжонланиш, ғам чекиш ва ҳатто билим олишдан олиб қочгани туфайли нақ 1200 йил умр кўрган экан.

Шу ўринда Дмитрий Пашковнинг «Бошқалар учун яшашни билмаган одамгина бошқалардан узокроқ яшайди», деган аччиқ кинояси ёдга тушади. Ахир, ҳеч нарсага қизикмаган, биров учун жон қўйдирмаган, ҳис-туйғу нималигини билмаган ва ҳатто энг бебаҳо неъмат — билим олишдан ҳам юз ўгирган ўша одам 1200 йил яшаб нима топди экан?!

Юнонистонлик тарихчи-файласуф Аристотель ва бошқа муаллифларнинг хабар беришича, Крит оролида яшаган қохин ҳамда таниқли шоир Эпименид ўз умрини 300 йилга узайтиришга муваффақ бўлган эмиш.

Умрзоқлар орасида бу ёш чегара эмас, албатта. Португалиялик тарихчи ўз солномасида бир хинд билан учрашиб суҳбатлашгани ва у ўша вақтда 370 ёшда бўлгани тўғрисида ёзиб қолдирган. Хиндистоннинг португаллар эгаллаган қарбий соҳили — Гоа вилоятида яшаган яна бир хинд, 1613 йили Туринда нашр этилган бир қитобда қелтирилишича, нақ 400 йил яшаган эмиш.

«Умрзоқ одамлар фақат ўтмишда яшаб ўтган экан-да!» — деб ўйлаётгандирсиз, хойнахой. Йўқ, бундай қишлоқлар яқин-яқинларда ҳам ўзларининг узок яшаганига оид қўтилмаган далиллар билан қўпчилиқни танг қолдирган. Масалан, XX аср бошларидаги рус журналларидан бири ўша пайтда 200 ёшга қирган қол ҳақида хабар беради. Томскда яшовчи бу қарияда қўпгина ҳужжатлари қатори 1763 йилда олган паспорти ҳам сақланиб

колган экан. Кария Пётр I ва Екатеринани ўз кўзи билан кўргани хакида хикоя килиб беради. Бу пайтга келиб умрзок чолнинг танаси багоят заифлашиб кетган, аммо аклий кобилиятлари сакланган, хотираси мустахкам эди.

XX асрда узок яшаган хитойлик Ли Цанюнга оид маълумотлар ҳам кизикарлидир. У 1936 йили вафот этганида бева колган хотини, расмий далолатномаларга кўра, Лининг 26-умр йўлдоши экан. Маълум бўлишича, Ли Цанюн 1690 йили тугилган, бундан кўринадики, у 246 йил яшаган.

Айтиш керакки, умрзокларга оид акл бовар килмас яна бир хабар 186 йил умр кўрган (1770-1956) хиндистонлик Тапасвижиге тааллуқлидир.

Унинг хикоя килишича, Химолай тоғларида бир гал кекса рухонийни учратиб қолибди. Бу одам факат мева ва сут билан кун кўрар, шунга карамай багоят сергайрат, бардам-тетик кўринар экан. Бирок энг ажойиб жихати шундаки, замонавий хинд тилларининг биронтасини ҳам билмас, кадимги хинд тили — соф санскритча сўзлашар эди! Рухоний бу ерга келганидан буён 500 йил ўтганини айтибди! У умрини шу кадар узайтира олишга гўёки бир сирли малхам ёрдамида эришган экан.

Гарчанд 5 асрлик хаёт хайратомуз туюлса-да, аммо бу муддат ҳам абадият олдида ҳеч нарса эмас. Шу боис азал-азалдан бархаётлик эликсирини — мангу хаёт бағишловчи малхамни топиш устидаги тажрибалар тўхтамайди. Хатто тарихда бундай изланишларга бутун умрини тиккан одамлар ҳам ўтган.

Шу ўринда тасаввуримизга эркинлик бериб, Германия шаҳарчаларидан бирига сайр килсак, готик услубидаги уйлардан бирида кольба, реторта, тигел каби кимёвий асбоб-анжомларга кўмилиб ўтирган сергайрат бир йигитга дуч келамиз. Абадият эликсирини излаш билан банд бўлган бу одам — ёш Гёте эди!

Ха, буюк немис шоири ва мутафаккири Иоганн Вольфганг Гёте хаётининг бир неча йилини мангу хаёт воситасини ахтаришга бағишлаган. У мазкур соҳада ўзидан аввал ўтганларнинг хатоларини такрорлашни, улар сингари боши берк кўчага кириб қолишни истамасди. Шу сабабли ҳам ёш Гёте кимёгарларнинг тадқиқотларини ҳар томонлама пишик-пухта ўрганади, энг махфий, хатто унутилиб кетган асарларни ҳам излаб топиб, синчиклаб тадқиқ этади.

—Мен бу иш билан астойдил шугулланяпман, — деб ёзган эди у бир дўстига, — зотан, улуг китоблардан жиндек бўлса ҳам бирон фойдали маълумот олишдек орзуим бор. Улуг шоир ана шу тарика абадий хаёт эликсирини изловчи кимёгарлар. Шу йўлда сарсон-саргардон бўлиб юрган беҳисоб инсонлар каторига тушиб қолади. Бархаётлик сирини оханрабо янглиг хаммани ўзига жалб этарди.

К.САЙИДМУРОДОВ тайёрлади